

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВ ТЕМИР ХАСАНОВИЧ

БЎЛАЖАК ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАРДА
ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of Doctoral of Philosophy (PhD) on Pedagogical Sciences

Олимов Темир Хасанович

Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантириш..... 3

Олимов Темир Хасанович

Развитие системы педагогического проектирования гражданской культуры у будущих специалистов с высшим образованием 21

Olimov Temir Xasanovich

Development of a system of pedagogical design of civil culture in future specialists with higher education 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВ ТЕМИР ХАСАНОВИЧ

БЎЛАЖАК ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАРДА
ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Илмий таълим Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped32 рақамли илмий рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tersu.uz) ҳамда Ziyonet ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Олимов Ширинбой Шарофович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рўзиева Дилноза Исомжоновна педагогика фанлари доктори профессор Кенжабоев Абдусалим Ҳасанович педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “11” август куни соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (манзил: 190111, Термиз ш., Барқамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (+99865 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: temizdu@umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз ш. Барқамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (+99865221-74-55; факс: (+99865221-71-17; e-mail: temizdu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “30” 1 куни тарқатилди
(2021 йил “30” 07 даги 8-рақамли реестр баённомаси)


И.Т.Чориев
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
М.Қ.Бозорова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент
Х.Ж.Худойкулов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида юз бераётган глобаллашув жараёнлари, ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятларнинг кучайиб бораётганлиги боис бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданияти педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада фуқаролик маданияти инсоният маданий тараққиётининг дастлабки босқичларида “идеал одам”, “идеал инсон”, “идеал шахс” тушунчаларининг мазмуни ва негизида ривожлантириш “Фуқаролик маданиятини шакллантириш” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Дунёдаги қатор илмий тадқиқотларда бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданияти педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантириш масалалари АҚШ (University of Galifornia), Германия (Technische Universitat Darmshtadt), Чехия (University of Ostrava), Англия (Gambriage University), Россия (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети) каби ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетлари, халқаро ташкилотлар “Таълим-тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” деб эътироф этилиши муносабати билан катта ёшдаги аҳоли компетенциясини баҳолаш халқаро дастури (PIAAC)дан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқиш (Россия таълимни ривожлантириш стратегиялари институти) бўйича илмий изланишлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, фан, маданият, техника ва технологияни такомиллаштириш масалаларига оид чуқур ислохотлар олиб борилмоқда. “Кадрлар тайёрлаш тизими мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболи йўлида креатив фикрлайдиган ёшлар салоҳияти ва иқтидорини ривожлантириш, модификациялашган таълим мазмунига замонавий технология ва инновацияларни киритишни бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда”¹. Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг самарали методларини ишлаб чиқиш ва фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли Қонуни. Манба: <https://lex.uz/docs/5013007>

6108-сонли фармонлари, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли, 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари Э.Риэрдон Бетти, Т.Адорно, М.Хоркеймэр, Ж.Эллпорт, С. Мендус, С.Хэллэр, Ж.А. Ҳавринс томонидан ёшларда фуқаролик маданиятини шакллантириш тушунчасининг назарий асослари, тушунчанинг семантик мазмуни, уни тарбиялашнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий қирралари каби масалалар ўрганилган.

Рус олимлари А.М.Байбаков, З.Г.Апресян, А.Г.Асмолов, А.Н.Басов, А.А.Бодалев, Т.Болотина, Р.Р.Валитова, С.Н.Глазачев, О.С.Анисимов, Г.Д.Дмитриевлар томонидан шахс шаклланишининг зарурий элементи, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий зиддиятлар тизимидаги яшаш услуби, фуқаролик маданияти тушунчасининг фалсафий, ижтимоий ва педагогик жиҳатлари масалалари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда фуқаролик тушунчасининг турли қирралари асосида фуқаролик маданиятининг ижтимоий-сиёсий воқеликдаги зарурияти, унинг ўзига хос хусусиятлари М.Шарифхўжаев, З.Исломов, М.Раджабова, З.Қодирова, З.Мунавваров, З.Ҳуснутдинов, Д.Алимова, О.Отамирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева, Х.Бобоев, З.Ғофуров, Р.Б.Бенемен, М.Смирнов, Н.Жўраев, Э.Каримова, А.Закрулаев, О.Рахматов, А.Тиксанов, Т.Тошлонов, Н.Эшонқуловлар томонидан тадқиқот ишларини олиб борганлар. Фуқаролик маданиятининг ижтимоий, фалсафий, тарихий, психологик, педагогик ва социологик жиҳатлари файласуф, диншунос, шарқшунос, тарихчи, педагог, сиёсатшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, қатор диссертациялар ёқланган, монография, китоб, тўпламлар нашр қилинган, тадқиқотлар, мақолалар ва илмий нашрларда турли қарашлар, ғоялар, тамойиллар баён қилинган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик

маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантириш методикаси монографик тарзда текширилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган AIF 2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари, амалдаги ҳолати ва замонавий ёндашувларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик шарт-шароитларини асослаш;

бўлажак олий маълумотли мутахассисларнинг фуқаролик маданиятини ривожлантириш модели ва унинг компонентлари мазмунини аниқлаштириш;

халқаро стандартлар ва ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида талабаларда фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш;

бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштиришнинг ўқув-услугий таъминотни такомиллаштириш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро муҳандислик-технология институти, Самарқанд, Қарши давлат университетларида таҳсил олаётган 425 нафар талабалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш тизимининг мазмуни, шакл, воситалари, метод ва технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, математик метод, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятининг мультимаданият, полиэтниклик, мономаданият полимаданият, маданиятлараро диалог каби дунёвий ғоялари ва геноцид, расизм, фундаментализм, радикализм, диний ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялари мазмунини лойиҳалаш, ҳамкорликда ўқитиш, кейс-стади сингари таълим

технологияларини ўзаро уйғунликда муқобил қўллаш доирасини кенгайтириш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини тарихийлик, илмийлик ва узвийлик каби ривожлантириш тамойилларининг яхлитлигини педагогик жараённинг тадқиқот-тарғибот, таҳлил-тасниф, таълим-тарбия босқичлари орқали касбий-интеллектуал, ташкилий-коммуникатив, эмоционал-иродавий, маънавий-маърифий каби шахсий сифатларни тавсифлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизими стратегик ривожлантиришнинг ижтимоий, касбий, рефлексив, акмеологик мезонларини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим тизимида педагогик жараённинг инновацион-методик технологияси, унинг экспериментал даражаси, мезонлари ва ахборот-методик таъминотини шакллантириш орқали “Фуқаролик маданиятини шакллантириш” фанини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимининг асосий методологик тамойиллари, қоидалари аниқланган ва асослаб берилган ҳамда педагогик лойиҳалаштириш тизимининг модели ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижасида фуқаролик маданиятини ривожлантиришга оид назарий ёндашув, ғоялар, тавсиялар билан бойитилган, мавжуд фуқаролик маданиятини шакллантириш тизими мазмуни янги қарашлар билан такомиллаштирилган, олий таълим муассасалари учун прогнозлар режаси тузилмаси ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари “Педагогика ва психология” таълим йўналиши ишчи ўқув режасига танлов фан сифатида “Фуқаролик маданиятини шакллантириш” фани киритилган ва унинг методик таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини шакллантиришга доир илмий-назарий ёндашув, қараш ва ғоялар, жаҳон тажрибаси ўрганилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усуллари, методик таъминот амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишлари репрезентативлиги, математик-статистик таҳлил тадқиқот самарадорлигини тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини шакллантиришга доир таълим мазмуни такомиллаштирилганлиги, инновацион технология ва интерфаол метод, шакл, воситалар ишлаб чиқилганлиги, уларнинг тажриба-синовдан ўтказилганлиги, таклиф этилган педагогик тизимнинг самарадорлиги

аниқланганлиги, замонавий назарий ёндашувлар, педагогик андоза, қараш ва ғоялар жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар таълим жараёни мазмунини такомиллаштириш, ўқув ва маънавий-маърифий фаолиятни янгича ёндашувлар асосида ташкил этилганлиги, соҳа мутахассислари, хусусан, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, фуқаролик жамияти институтлари мутасаддилари ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогик йўналишдаги олий таълим муассасалари талаба-ёшларида фуқаролик маданиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида: педагогик лойиҳалаштириш тизими бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини стратегик ривожлантиришнинг (ижтимоий, касбий, рефлексив, акмеологик) мезонлари асосида такомиллаштиришга оид тавсиялардан “511900 – Педагогика ва психология” бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2788-сон маълумотномаси). Натижада умумий педагогика, ижтимоий педагогика, педагогик маҳорат, педагогик психология каби фанларини ўқитиш мазмунига сингдирилган;

бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш (тарихийлик, илмийлик ва узвийлик) тамойиллари яхлитлиги педагогик жараённинг тадқиқот-тарғибот, таҳлил-тасниф, таълим-тарбия босқичларига таяниб, шахсий сифатлар (касбий-интеллектуал, ташкилий-коммуникатив, эмоционал-иродавий, маънавий-маърифий) тавсифи асосида 2019-2021 йилларга мўлжалланган АИФ 2/20 рақамли “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” ва №ОТ-Ф7-34 “Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданияти инновацион жараёнларини педагогика фанида ўрганишнинг илмий-педагогик асослари” мавзуларидаги амалий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2788-сон маълумотномаси). Натижада “Фуқаролик маданиятини шакллантириш” махсус ўқув курси ташкил этилиб, интеллектуал салоҳиятли, ватанпарвар, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга эришилган;

олий таълим тизмида педагогик жараённинг инновацион-методик технологияси, унинг экспериментал даражаси, мезонлари ва ахборот-методик таъминотини шакллантириш ҳамда амалга ошириш бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришда асосий омилларидан бири эканлиги “511900 – Педагогика ва психология” бакалаврият таълим йўналишида ўқитиладиган педагогиканинг туркум

фанларини ўқитиш жараёнида асосланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2788-сон маълумотномаси). Натижада умумий педагогика, ижтимоий педагогика, педагогик маҳорат, педагогик психология каби фанларини ўқитиш мазмуни такомиллаштирилган ва ўқитиш самарадорлигига эришилган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, шу жумладан, 4 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги анжуманда маъруза шаклида баён қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, хулоса, таклиф ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг ҳажми 130 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида, Ўзбекистонда фуқаролик маданиятини ривожлантириш ислохотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда шу каби жамият асосларининг яратилиш тажрибаси, бу соҳадаги ислохотларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асосларининг шакллантирилиши, фуқаролик тарбиясининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган фуқаролик маданияти фуқаролик жамиятининг пойдевори, ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодаси сифатида, кишиларнинг моддий ва маънавий бойликларни ўрганиш, ўзлаштириш, уларни асраб-авайлаш, кўпайтириш, ўзи яшаётган мамлакат, жамият равнақи, истиқболи учун улардан оқилона фойдаланишга қаратилган шахс инсонпарварлигини тарбияловчи фаолият ҳақида ёритилган.

Назарий манбалар мазмуни билан танишиш шуни кўрсатдики, фуқаролик маданияти шаклланган шахс юксак ақл-заковат эгаси бўлиб, у яратувчилик, бунёдкорлик, ташаббускорлик, Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат, фахр ва ифтихор туйғулари билан яшайди, фуқаролик бурчини, масъулиятини теран англайди.

Фуқаролик маданияти инсоният маданий тараққиётининг дастлабки босқичларида “идеал одам”, “идеал инсон”, “идеал шахс” тушунчаларининг мазмуни ва негизида таркиб топа бориб, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш жараёнида кишиларнинг ўз ўрнини аниқ топиши учун восита бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик маданияти инсон, айниқса, талаба-ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Фуқаролик маданиятининг қуйи даражаси инсон ҳаётининг барча томонларига салбий таъсир кўрсатади. Жамоада у ёки, бу даражада ҳурмат ва эътиборга лойиқ бўлиш ҳам фуқаролик маданиятининг бир кўриниши бўлиб, у инсон ҳаётининг иқтисодий ва маънавий томонига у ёки бу йўл билан албатта ижобий ёхуд салбий таъсир кўрсатади.


Фуқаролик маданиятининг шаклланиши давр характери, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқ. Биринчидан, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий-сиёсий устқурмасига асосланган ҳолда меҳнаткашлар дунёқарабини шу жумладан, фуқаролик маданиятининг янги-янги тартиблари, меъёрларини вужудга келтиради. Буларнинг инсонлар томонидан ўзлаштирилиши учун вақт зарур бўлади. Бугунги давр ҳам мураккаб, тўзонли бўлиб, ўз хусусиятларига эга. Шунинг учун ёшларда фуқаролик маданиятининг шаклланиши силлиқ ва осон кечмайди. Бунинг учун вақт ва тарбиявий таъсирлар тизимини яратиш керак бўлади.

Биз тадқиқот ишимизда олий ўқув юртлари талабаларида фуқаролик маданиятини шакллантиришда қуйидаги тушунчаларга изоҳ бериб ўтдик:

“Маданият” тушунчасининг шажарасига назар ташлар эканмиз, бугунги кунда унинг талқини, мазмун-моҳияти, инсон ва жамият ҳаётидаги, ўрни “Фалсафа”, “Педагогика”, “Психология”, “Диншунослик”, “Маънавият асослари” каби фанларнинг мазмунида ўз ифодасини топганлигини кўрамиз. Ушбу фанларда “Маданият”га берилган таърифлардан маълумки, маданият баркамол инсонни шакллантириш, ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш ва уни ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар бўлиб етиштирилиши таъминлаш, Ватанни чексиз меҳр-муҳаббат билан севиш, буюк келажакка яратувчанликни, ҳис-туйғуси билан қаровчиларни тарбиялаш назарий сифатида тавсифланган.

Фуқаролик маданияти – инсонни моддий ва маънавий жиҳатдан камолотга етказувчи, ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришга фаол иштирокини таъминловчи, унинг фалсафий, сиёсий, педагогик-психологик эҳтиёжларини таъминловчи ва ривожлантирувчи жараён ҳамдир. Кўриб ўтганимиздек, фуқаролик маданияти инсоннинг маънавий етуклиги ва таълим-тарбия кўрганлигини англатувчи педагогик категория ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун, хусусан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни учун аҳамиятлидир. Чунончи, фуқаролик маданияти шахсдаги инсоний фазилатларни, кадр-қимматни, иймон эътиқодни оширувчи таълим-тарбиянинг меваси ва ақл суянчиғи, маънавиятли инсоннинг шаъни ва ҳикматидир.

Илмий-назарий педагогик таълимот ва тадқиқот натижалари талаба-ёшларнинг фуқаролик маданияти тузилишининг асосий компонентлари аниқланди (1-расм).



1-расм. Фуқаролик маданияти тузилиши.

Диссертациянинг “Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш жараёнининг педагогик шарт-шароитлари” деб номланган иккинчи бобида шахснинг фуқаролик маданиятининг муҳим жиҳати унинг таркибий қисмлари: фуқаролик саводхонлиги, фуқаролик компетентлиги ва фуқаролик позицияси билан чамбарчас боғлиқлиги, фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг таркибий қисмлари очиб берилган.

Фуқаролик маданиятининг педагогик тузилиши уч элемент билан фарқланади: билим, баҳо-муносабат, хулқ-атвор. Фуқаролик маданиятининг асоси сиёсий маданият бўлиб, у сиёсат, қарашлар ва эътиқодлар соҳасидаги билим, мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётига онгли муносабат, сиёсий

ҳаётда иштирок этиш, фаол фуқаролик позициясини эгаллаш, қонунга бўйсунувчи фуқаро бўлиш ва мамлакат қонунларига риоя қилишдан иборат. Бу эса фуқаролик тарбиясининг таркибий қисми сифатида сиёсий маданиятни шакллантириш вазифаларини белгилаб беради.

Талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш, ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни педагогик технологиялар асосида лойиҳалаштириш жараёнида амалга оширилади.

Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишда таълим-тарбия узвий боғлиқ. Ёшларда маълум сифатларни, жумладан, фуқаролик маданиятини тарбияламасдан, таълим жараёнини ташкил этиш мумкин эмас. Таълим жараёнини ташкил этишда маълум мақсадга йўналтирилган таълим методлари ва шакллари танлаш лозим, жумладан, фуқаролик маданиятини шакллантириш усуллари тизимига қуйидагилар киради:

- фуқаролик онгини шакллантириш усуллари;
- фуқаролик фаолиятини ташкил этиш усуллари;
- фуқаролик хулқ-атворини рағбатлантириш усуллари;
- назорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ташхис қўйиш усуллари.

Фуқаролик маданияти шахс хулқ-атворининг ижтимоий меъёрларига ва масъулиятларини бажаришга асосланган бўлиб, жамиятнинг ахлоқий-ҳуқуқий қадриятларидан келиб чиқади ва ижтимоий муносабатларни белгилайди. Ахлоқий қадриятлар асосида демократик жамият ҳуқуқий давлатни, фуқаронинг ҳуқуқий психологиясини шакллантиради. Фуқаролик маданиятини ривожлантириш педагогик тарбиянинг маданий ва ижтимоий вазифасидир. Бу муаммони ҳал этиш учун таълим шароити, талабаларнинг фуқаролик маданиятини ривожлантириш, ижтимоий-педагогик дунёқарашни шакллантириш ва ўқитувчининг ижтимоий ролини англашни рағбатлантирувчи тарбиявий муҳит яратиш лозим.

Бўлажак ўқитувчиларнинг фуқаролик маданияти – бу ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатлари учун касбий вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий ўз-ўзини англаш ва шахсий масъулиятга эга бўлган, ахлоқий дунёқарашга эга бўлган, хулқ-атворнинг ижтимоий-маданий тамойиллари асосида бошқариладиган ўқитувчининг ижтимоий фаолияти учун семантик, когнитив ва фаолият тайёргарлигини акс эттирувчи яхлит, интегратив шахсий хусусиятдир.

Тадқиқот ишида "**фуқаролик маданияти**" тушунчаси фалсафа, сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ, маданият, педагогика ва бошқа фанларнинг элементларини ўз ичига олган мураккаб таълим-тарбиявий жараён эканлигини кўрсатди. Турли билим соҳаларининг ёндашувларида кенг тарқалган фуқаролик маданияти кўп ўлчовли ижтимоий ҳодиса сифатида баҳоланиб, у фуқаронинг онги, муносабати, хулқ-атвори ва фазилатларининг хусусиятларини белгилайдиган бир қатор ҳуқуқий ва маданий қоидаларни ўз ичига олади. Бўлажак мутахассислар етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлиши учун

"фуқаролик маданиятини шакллантириш" фанини ўрганишнинг психологик-педагогик жиҳатларига эга бўлиши лозим. Педагогика йўналиши бўйича ўқитиладиган фанларда фуқаролик маданияти шахснинг ижтимоий-сиёсий сифати деб ҳисоблаш одат тусига кирган бўлиб, у умумий, хусусий ва давлат манфаатларини оқилона бирлаштиришга имкон беради. Шунингдек, "фуқаролик маданияти" тушунчаси жамият ҳаётининг сифатли ҳолати билан боғлиқ бўлиб, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа кадриятлар узвий бирлашадиган, инсоннинг фуқаролик ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини англаши учун ягона асос яратадиган ҳодиса сифатида тавсифланади.

Бугунги кунда ёшларнинг фуқаролик маданиятини шакллантириш учун мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва фуқаролик позициясини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга нисбатан давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Маълумки олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбия ишларини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- талабаларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида, мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳақиқий фуқаролари этиб шакллантириш;
- Ватан олдидаги фуқаролик ва фарзандлик вазифаларини сидқидилдан бажаришга тайёрлаш;
- талабанинг шахс сифатидаги, ўзига хос индивидуал фазилатларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- талабалар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онгини ривожлантириш, уларда танқидий ва таҳлилий фикрлаш кўникмаларни кенгайтириш;
- талабаларга салбий иллатлар: адолатсизлик, таъмагирлик, маҳаллийчиликнинг салбий оқибатларини англаштириш;
- талаба ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қизиқишлари асосида илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириб бориш.


Илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги тушунчалар аниқланди:

- **фуқаролик онги** – фуқаролик жамияти кадриятлари ва меъёрларини, унинг вакилларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва масъулиятларини кишилар онгида акс эттириш жараёни ва натижаси;

- **фуқаролик муносабатлар** – жамоат ва сиёсий ташкилотлар ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари ҳақида бошқа фуқаролар билан кўп томонлама муносабатлар;

- **фуқаролик хулқи** – маданий ва ҳуқуқий меъёрлар талабларига жавоб берадиган фуқароларнинг ҳаракатлари ва уларнинг гуруҳлари;

- **фуқаролик сифати** – шахсинг жамиятга, ўзи, фаолияти ва унинг натижаларига бўлган қадрият муносабати.



2- расм. Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини педагогик лойиҳалаштириш тизимини ривожлантириш модели

Диссертациянинг “**Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг самарадорлик даражаси**” номли учинчи бобида талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш тартиби ва тадқиқот натижасида олинган миқдор, сифат кўрсаткичларининг таҳлили натижалари келтирилган.

Бухоро муҳандислик-технология институти, Самарқанд, Қарши давлат университетлари тажриба-синов майдончаси этиб белгиланди. Тажриба-синов жараёнига жалб қилинган гуруҳлар билим даражаларини баҳоланиш мезонлари ишлаб чиқилди. Барча гуруҳлар ўзаро тенг вазиятда ва бир хил мазмунда тажриба-синовдан ўтказилди. Гуруҳларда ўтказилган тажриба-синов жараёнларига 425 нафардан ортиқ талабалар жалб этилди.

Олиб борилган тажриба-синов ишларининг умумий натижалари қуйидагича бўлди. (1-жадвал)

1-жадвал

Гуруҳлар	Респондентлар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажрибадан кейин	215	108	77	30
Тажрибадан олдин	210	65	73	72


Олинган маълумотлар Стъудент-Фишер мезони орқали математик-статистик таҳлил қилинди.

Тажриба ва назорат синфдаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз:

1-танланма X_i : юқори; ўрта; қуйи;
 (тажриба якунидаги
 гуруҳ) n_i : 108; 77; 30.
 $m=215$

2-танланма Y_j юқори; ўрта; қуйи;
 (тажриба бошидаги
 гуруҳ) n_j 65; 73; 72.
 $n=210$

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



3-расм. Тажрибадан олдин ва кейинги умумий кўрсаткичлар диаграммаси

Диаграммада қайд этилган графиклардан англанадики, тажрибадан олдинги ва кейинги модал қийматлари мос равишда $M_T = 5$ ва $M_H = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни олдиндан қаноатлантиришини кўрсатади. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{215} (108 \cdot 5 + 77 \cdot 4 + 30 \cdot 3) = \frac{1}{215} (540 + 308 + 90) = \frac{938}{215} = 4,4$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{210} (65 \cdot 5 + 73 \cdot 4 + 72 \cdot 3) = \frac{1}{210} (325 + 292 + 216) = \frac{833}{210} = 4,0$$

Демак, тажрибадан кейинги ўртача ўзлаштириш тажрибадан олдинги ўзлаштиришдан катта экан: $X > Y$

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 4,4$; $\bar{Y} = 4,0$; $\Delta_m = 0,06$; $\Delta_n = 0,08$ га тенг

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{y\bar{c}\bar{o}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,4 - 0,06}{4,0 + 0,08} = \frac{4,34}{4,08} = 1,06 > 1;$$

$$K_{\bar{o}\bar{o}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,4 - 0,06) - (4,0 - 0,08) = 4,34 - 3,92 = 0,42 > 0;$$

Олинган натижалардан Бўлажак олий маълумотли мутассисларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан

катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори эканлиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. Фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган шахс фуқаролик маданиятининг миллий ғоя ва миллий маънавий қадриятлар билан уйғунлигини, узвийлигини, яхлит боғлиқлигини эътироф этган ҳолда талаба-ёшларда миллий ғоя ва миллий маънавиятга ишонч, эътиқод ҳис-туйғуларини ривожлантириш зарурлиги аниқланди.

2. Фуқаролик маданияти тушунчаси ижтимоий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий тушунча бўлганлиги сабабли унинг мазмуни замонавий жамиятлардаги миллатлар, ирқлар, элатлар, халқлар, маданиятлар, қарашлар, мафкуралар хилма-хиллиги шароитида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини қабул қилиш, дунё халқларининг бир-бирини англаш жараёнини, улар ўртасидаги ўзаро барқарорлик, тинчлик-тотувликни билдиради.

3. Узлуксиз таълим жараёнида талабаларда Ватан, оила, маҳалла, миллатга садоқат, юрт, халқ, меҳнаткаш фуқаро манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўйиш туйғусини тарбиялаш ва фидоий, инсонпарвар, адолатпарвар, меҳнатсевар фуқаро бўлиш иштиёқи ва эҳтиёжини таркиб топтириш ҳамда уларга фуқаролик бурчи, фуқаролик ҳисси, фуқаролик масъулияти, фуқаролик мажбурияти каби тушунчалар ҳақида маълумот бериб, бу тушунчаларни ўзларида тарбиялаш малакаларини ҳосил қилиш, ҳуқуқий демократик фуқаролик жамият қуриш асоси эканлиги аниқланди.

4. Фуқаролик маданияти шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги, руҳий-индивидуал сифатларидан иборат бўлиб, у мустаҳкам ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлиш, маданий кўникма ва малакалар бирлигига эришиш, фуқаролик ҳуқуқлари, муносабатларни эгаллаш, жамият томонидан қабул қилинган фуқаролик кодекси, қоида ва принципларига кундалик ҳаётда риоя қилиш, оилада, маҳаллада, жамиятда инсоний хулқ-одоб, интизоми асосида фаолият кўрсатишга риоя қилиб, мамлакатни, миллатни равнақ топтиришга ўз ҳиссасини қўшиш, масъулият, иймон, эътиқод каби фазилатларга эга бўлиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, интеллектуал салоҳиятни ўзида таркиб топтиришдир.

5. Шарқ мутафаккирлари фуқаролик маданиятини ёш авлодда тарбиялаш йўллари тўғрисидаги фикрлари, инсоний бурч, масъулият, мажбуриятни тарбиялашнинг асоси ҳисобланиб, талабалар қалбида ҳаёт ҳамда инсонийлик ҳис-туйғуларини жунбушга келтириб, фуқаролик маданиятининг асосини ташкил эта олишга кўмаклашади. Чунки аждодларимизнинг ёш авлод тарбияси тўғрисидаги таълимоти маънавий-ахлоқий онг, тафаккур, иймон-эътиқод, бурч, масъулият, мажбурият каби тушунчаларнинг мазмун-

моҳиятини теранроқ англаш ва улар асосида иш юритишга одатлантиришга хизмат қилади.

6. Тарбия жараёнининг ўз қонун-қоидалари бўлганидек, фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг ҳам қонуниятлари ва тамойиллари аниқландики, улар мазкур жараённинг самарали бўлишини таъминлайди. Бу тамойил ва қонуниятлар миллий мафқуранинг ғоявий йўналиши, унинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муҳим тарбия воситасига айланади ҳамда тарбиянинг ғоявийлиги ва мақсадга йўналтирилганлиги қонуниятига амал қилиши билан шахсда фуқаролик маданиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

7. Талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг имконияти чексиз бўлиб, ўқитувчилар бу борада методик жиҳатдан таъминланганлиги, замонавий педагогик технологиялар билан қуролланганлиги катта аҳамият касб этиши асосланди. Шу жиҳатдан таълим жараёнини ўз дарсларини ноанъанавий шакллар асосида талабаларнинг қизиқишлари, билим даражасини ҳисобга олган ҳолда ишбоп ўйинлар, мусобақа дарслари, интеллектуал ринг, театрлаштирилган машғулотлар, кичик гуруҳларда ишлаш, ижод дарслари, баҳс-мунозаралар, лойиҳа дарслари, ҳамкорликда ўқиш, матбуот конференциялари, викториналар, мўъжизалар майдони, экскурсия дарслари, китобхонлар конференциялари, тўғараклар каби интерфаол метод ва шаклларда олиб борилган ишлар самарали натижаларга олиб келиши исботланди.

8. Олий таълим муассасаларида маънавий-марифий тарбия ишларини такомиллаштириш, талабалар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларни баркамол мутахассислар қилиб тарбиялаш ҳамда уларда фуқаролик маданияти асосларини шакллантиришнинг асосий негизини ташкил этади. Чунки маънавий-маърифий ишлар жараёнида талабаларда меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ундан завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат каби фазилатлар муштарак ҳолда ривожлантиради.

ТАВСИЯЛАР

Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини стратегик ривожлантиришнинг мазунини бойитишга хизмат қиладиган замонавий таълим методикаларини ишлаб чиқиш;

Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини дунёвий ғоялар мультимаданият, полиэтниклик, мономаданият полимаданият, маданиятлараро диалог ва бузғунчи ғояларнинг геноцид, расизм, фундаментализм, радикализм, диний ақидапарастлик мазмуни ва моҳиятини таълим жараёнида онгли ўзлаштириш ва фаолиятида амал қилиш кўникмалариши таркиб топтиришга хизмат қиладиган методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

Олий таълим тизмида педагогик жараённинг инновацион-методик технологияси, унинг экспериментал даражаси, мезонлари ва ахборот-методик таъминотини шакллантиришда талабаларнинг фуқаролик маданиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган электрон ўқув воситаларининг янги авлодни яратиш тизимини такомиллаштириб бориш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ОЛИМОВ ТЕМИР ХАСАНОВИЧ

**РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ПРОЕКТИРОВАНИЯ
ГРАЖДАНСКОЙ КУЛЬТУРЫ У БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ С
ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Бухара - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована под номером № В2017.1.PhD/Ped32 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного Совета (www.vocedu.uz), а также Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Олимов Ширинбой Шарофович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Рузиева Дилноза Исомжоновна
доктор педагогических наук, профессор
Кенжабоев Абдусалим Эркабоевич
кандидат педагогических наук, доцент


Ведущая организация: Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «11» «август» 2021 года в «9⁰⁰» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 при Термезском государственном университете. (Адрес: 190111, г. Термез, улица Баркамол авлод, 43. Тел (376) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета (зарегистрировано за № 31). (Адрес: 190111, город Термез, улица Баркамол авлод, 43. Тел (376) 221-74-55.


Автореферат диссертации разослан «30» «07» 2021 года.

(Протокол реестра № 8 от «30» «07» 2021 года.)


И.Т.Чориев
Председатель Научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.п.н., профессор


М.К.Бозорова
Учёный секретарь Научного
совета по присуждению учёных
степеней, к.п.н., доцент


Х.Ж.Худойкулов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.п.н., доцент.



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В связи с усилением происходящих в мире процессов глобализации, социальных и правовых противоречий, большое внимание уделяется исследованиям по развитию системы педагогического проектирования гражданской культуры у будущих специалистов с высшим образованием. В связи с этим развитие гражданской культуры на ранних этапах культурного развития человечества на основе содержания и основ понятий «идеальный индивидуум», «идеальный человек», «идеальная личность» имеет важное значение для совершенствования методологии преподавания предмета «Формирование гражданской культуры».

В связи с признанием в ряде мировых научных исследований ведущими университетами развитых стран, таких как США (University of California), Германия (Technische Universitat Darmshtadt), Чехия (University of Ostrava), Англия (Gambriage University), Россия (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет), а также международными организациями того, что проблемы развития системы педагогического проектирования гражданской культуры у будущих специалистов с высшим образованием являются “главной движущей силой развития образования и важной деятельностью, ведущей к целям устойчивого развития”, научные исследования по разработке методики применения международной программы оценки компетенций взрослых (PIAAC) (Российский институт стратегий развития образования) имеют приоритетное значение.

В нашей стране проводятся глубокие реформы в сфере подготовки кадров в образовательных учреждениях с целью создания конкурентной среды, совершенствования науки, культуры, техники и технологий. «Сегодня само время требует развития содержания системы обучения, потенциала и таланта творчески мыслящей молодёжи для будущего социально-экономического развития страны, внедрения современных технологий и инноваций в содержание модифицированного образования»¹. Необходимо дальнейшее углубление исследований по разработке эффективных методов развития гражданской культуры и развитию системы педагогического проектирования гражданской культуры у будущих специалистов с высшим образованием.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5106 от 5 июля 2017 года “ О повышении эффективности государственной политики в отношении молодёжи и поддержке деятельности союза молодёжи Узбекистана”, Указе Президента Республики Узбекистан № УП-6108 от 6 ноября 2020 года «О мерах по развитию сфер образования и науки в новый период развития Узбекистана», Постановлении

¹ Закон Республики Узбекистан «Об образовании» от 23 сентября 2020 года № ЗРУ-637. Источник: <https://lex.uz/docs/5013007>

Президента № ПП-3907 от 14 августа 2018 года “О мерах по воспитанию духовно-нравственной и физически совершенной молодёжи, переходу системы образования и воспитания на качественно новый этап”, Постановлении № ПП-4884 от 6 ноября 2020 года « О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования системы инновационных идей и их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

В мировом масштабе в исследовательских работах по совершенствованию компонентов гражданской культуры у будущих специалистов с высшим образованием при преподавании педагогики были получены следующие научные результаты: усовершенствованы интерактивные технологии обучения, основанные на активной интеграции компонентов развития гражданской культурной грамотности в методическое обеспечение (Leiden University); методика использования Международной программы оценки компетенций взрослых (PIAAC) была разработана в связи с признанием гражданской культуры в развитии гражданской культурной грамотности у будущих специалистов с высшим образованием международными организациями в качестве «главной движущей силы образования и устойчивого развития» (Российский институт стратегий развития образования).

Степень изученности проблемы. Зарубежные учёные Э.Риэрдон Бетти, Т.Адорно, М.Хоркеймэр, Ж.Эллпорт, С. Мендус, С.Хэллэр, Ж.А. Хавринс изучили теоретические основы понятия формирования гражданской культуры у молодёжи, семантическое содержание понятия, правовые, социальные и духовные грани его воспитания.

Необходимый элемент формирования личности, стиля жизни в системе социально-политических противоречий в обществе, философские, социальные и педагогические аспекты понятия гражданской культуры были исследованы российскими учёными А.М.Байбаковым, З.Г.Апресяном, А.Г.Асмоловым, А.Н.Басовым, А.А.Бодалевым, Т.Болотиной, Р.Р.Валитовой, С.Н.Глазачевым, О.С.Анисимовым, Г.Д. Дмитриевым.

В Узбекистане необходимость гражданской культуры в социально-политической реальности на основе различных граней понятия гражданственности, её своеобразные особенности были изучены такими учёными, как М.Шарифходжаев, З.Исломов, М.Раджабова, З.Кодирова, З.Мунавваров, З.Хуснутдинов, Д.Алимова, О.Отамирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева, Х.Бобоев, З.Гофуров, Р.Б.Бенемен, М.Смирнов, Н.Жураев, Э.Каримова, А.Закрулаев, О.Рахматов, А.Тиксанов, Т.Тошлонов, Н.Эшонкулов. Социальные, философские, исторические, психологические,

педагогические и социологические аспекты гражданской культуры были изучены учёными философами, религиоведами, востоковедами, историками, педагогами, политологами, были защищены диссертации, опубликованы монографии, книги, сборники, в исследованиях, статьях и научных изданиях были изложены различные взгляды, идеи, принципы.

В процессе написания диссертации были приняты во внимание научные исследования упомянутых выше и ряда других узбекских и мировых учёных. В нашем исследовании, в отличие от работ, проделанных в этом направлении, была монографически апробирована методика разработки системы педагогического проектирования гражданской культуры у будущих специалистов с высшим образованием.

